



Наманган вилояти

Ўқув-семинар

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Наманган вилояти тизими 54 та бошланғич ташкилотни ўзида бирлаштирган бўлиб, улар 50811 нафар тиббиёт ходимининг манфаатларини ҳимоя қилади.

## Шифокорлар манфаати қай тариқа ҳимояланган?

Жамоа шартномаларининг жойларда бажарилиши ҳамда унга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга бағишлаб ўтказилган ўқув-семинарда тизимдаги барча касаба кўмитаси раислари иштирок этди. Ўқув-семинарда Учқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси ишчи-ходимларининг манфаатлари акс этган жамоа шартномаси мисол тариқасида шарҳланди. Тавсиявий аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳужжатда кўрсатиб ўтилган бандларнинг ҳар бири алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ишчиларга меҳнат фаолияти давомида кўплаб энгилликлар билан бир қаторда, ҳуқуқий ҳимояга алоҳида бандлар ажратилгани таъкидлаб ўтилди.

лар билан мулоқотда бўлганликлари боис ҳам иш берувчи томонидан махсус кийим-бош, ҳимоя воситалари, бепул берилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан доимий таъминланган бўлиши керак.

Вазиятдан келиб чиқиб, тиббиёт ходимларининг тунги навбатчилик вақтларига ҳам иш ҳақи тўловлари борасида жамоа шартномаларида алоҳида бандлар ажратилган.

Жамоа шартномалари ва унга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга бағишланган ушбу ўқув-семинарда тиббиёт ходимлари ва соҳа касаба уюшма кўмитаси раислари ўзларини қизиқтирган барча саволларга тегишли жавоб олдилар.

**Аббосхон МАМАДАЛИЕВ,**  
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Наманган вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Халқаро ҳамкорлик

## МУНОСИБ МЕҲНАТ ОРҚАЛИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ САРИ

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссияси Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда «Муносиб меҳнат орқали барқарор ривожланиш сари» мавзuida видеоконференцалоқа шаклидаги халқаро давра суҳбати ўтказди.



Унда Миллий комиссия аъзолари, Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директорининг ёрдамчиси – ХМТнинг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича Минтақавий бюроси директори раҳбарлигидаги делегация, БМТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари раҳбарлари, Европа иттифоқи, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққийот банки, АҚШ, Германия, Швейцария ва Россиянинг Ўзбекистондаги элчилари иштирок этди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссияси раиси Танзила Норбоева, Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директорининг ёрдамчиси, ХМТнинг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича Минтақавий бюроси директори Хайнц Коллер, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Хусанов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон иш берувчилар

Конфедерацияси раиси Адҳам Икромов муносиб меҳнат тамойилларини амалда татбиқ этиш борасидаги тизимли ишлар, уларнинг натижаларига алоҳида тўхталишди. Ўзбекистонда охириги йилларда ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида олиб борилган тизимли ислохотлар натижасида

ходимлар учун муносиб меҳнат шартинларини таъминлаш, халқаро меҳнат стандартларини амалиётга татбиқ этиш каби муҳим йўналишларда эътирофга лойиқ ижобий ўзгариш ва янгиланишлар амалга оширилгани алоҳида таъкидланди.

2 >

Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Германия Федератив Республикаси Хукумати ўртасида махфий ахборотни алмашиш ва ўзаро муҳофаза қилиш тўғрисидаги Битим 2021 йил 26 январдан эътиборан кучга кирди. Битим 2019 йил 28 май кунини Тошкент шаҳрида имзоланган эди.

Евроосиё иқтисодий комиссияси (ЕОИК) Кенгашининг жорий йил 29 январь кунини видеоконференция шаклида ўтказилган навбатдаги йиғилишида Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)да кузатувчи мақомини олган мамлакат – Ўзбекистон вакили сифатида биринчи марта мамлакатимиз номидан Бош вазир ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов иштирок этди.

Нурафшон шаҳрида Президент мактаби барпо этилади.



Давлат тест маркази ETS ташкилотининг расмий ҳамкорига айланди.

Жорий йилнинг 3 ва 6 февраль кунлари Uzbekistan Airways авиакомпанияси Урганч – Фарғона – Урганч йўналишида парвозларни амалга оширади.

Нарзулло Обломуратов Ўзбекистон Экологик партиясининг янги раиси этиб сайланди.



Бирлашган араб амирликларининг Дубай ҳукумати COVAX дастури доирасида ривожланаётган мамлакатларга миллиардлаб бирликдаги вакцина тақсимоти бўйича логистика маркази тузилишини эълон қилди.



Қозоғистон президенти Қосим-Жумарт Тўқаев йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича қонунчиликка ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги қонунни имзолади.

Россия Федерацияси президенти Владимир Путин 2021 йил 25-29 январь кунлари он-лайн тарзда ўтказилган «XXI аср учун Давос кун тартиби» Жаҳон иқтисодий анжуманида катта дастурий нутқ билан иштирок этди.



Қирғизистон бош вазири ўринбосари вазифасини бажарувчи Элвир Сурабалдиева коронавирус бўйича илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари билан йиғилишда коронавируснинг учинчи тўққинига тайёргарлик кўриш топширигини берди.

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН**

**1092 –**

**қисқа рақамли «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га**

меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин. Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда касаба уюшмаси аъзоси бўлишдан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади. Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерациясининг доимий эътиборида!



Транспорт вазирлигига! | Одамлар нима деяпти?

## «ИННОВАЦИЯ» дегани шуми?

ёхуд бекор бўлган жетонлар, бир марталик чипталар ва турнақатор навбатлар...

Метрополитен бекатларидаги кассаларда жетонлардан фойдаланиш тўхтатилганига анча бўлди. Унинг ўрнига бир марталик чипталар жорий этилди. Ягона тўлов картасидан фойдаланишга ўтилгунга қадар улар ишлатилмоқда.

Аммо мазкур чипталар жетонлардан фарқли ўлароқ алоҳида хусусиятга эга бўлиб, ҳар бир бекат учун алоҳида чипта сотиб


олишга тўғри келади. Мана ўзингиз гувоҳ бўлинг: эрталаб ва кечки пайт – тигиз вақтда кассалар олдидаги турнақатор навбатларга...

Қишнинг совуқ кунларидаги бу каби навбатлар, қақшаётган асабларни ҳам бир чеккага қўйтурайлик... Ҳали коронавирусдан буткул қутулганимиз йўқ... Ахир пандемия...

Навбатда туриб чарчаган бошингизда эса саволлар ай-

ланаверади: аввал мукамал тизим яратмай, янгилик жорий этишининг нима кераги бор? Тўғри, соҳа учун инновациялар керак, давр шиддати тез, одамларга қулайлик яратиш зарур. Аммо инновация пухта бўлсин, аҳолига нафи тегсин-да... Бу кетишда «инновация» деса, фақат мураккабликни тушуниб қолмаймизми?

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,  
«ISHONCH»



Халқимизда қишнинг бир кунини қолса ҳам қўрқ, деган мақол бор. Бизга ўтин ҳам, газ ҳам ҳали кў-ў-п керак бўлади.

Ана холос!

## «ТРУБА» кўтарган тутлар

Навоий вилояти Кармана тумани газ идораси мутасаддилари «Каловот» маҳалласи фаоллари билан бирга бу йил қиш келмайди, деб ўйлашган шекилли, газ тармоғининг айрим кўчалардан ўтган табиий газ қувурларини таъмирлашни, йўл четига дароҳ ва тутлар чирмашиб кетган жойларни тартибга солишни, остки тиргаларини мустаҳкамлаб, хавфсиз ҳолатга келтиришни бутунлай унутган кўринади.

Қаровсиз ҳолда занглаб, эгилиб, қийшайиб-буралиб турган газ қувурларига раҳми келадиганлар борми ўзи?

Нормурод МУСОМОВ,  
«ISHONCH»



Тошкент шаҳар ҳокимлигига!

Жавоб кутаётган савол

## БУНЁДКОРЛИК УЧУН...

ҚАНЧА ВАҚТ ВАЙРОНАЛАР ОРАСИДА ЯШАШ КЕРАК?

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институти ҳудудда бундан бир неча йил олдин бўлган қиш ҳозир у ерни умуман танимай қолиши шубҳасиз.

Чунки қурилишлар боис, ҳудуд деярли вайронага айланган...

Ушбу ҳудудда 20 тадан зиёд хонадонда 100 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Акса-

рияти мамлакатимизда фа-лакийет илмининг ривожини учун умрини тикканлар ва уларнинг фарзандлари.

Қурилишлар бошланганидан буён Юнусобод туманида тўрт марта ҳоким алмашди. Аммо ҳудуддаги ҳолат ҳеч кимнинг назари-

рига тушмади.

Савол туғилади? Бу ҳолатлар қачонгача давом этади. Бунёдкорлик учун одамлар қанча вақт вайроналар орасида яшаши керак?

Шоира РАУФБОЕВА  
Юнусобод тумани





Самарқанд вилояти

Пахтачи туманидаги 34-болалар мусиқа ва санъат мактаби раҳбари Марғуба Собирова Самарқанд шаҳридаги 4-мактабдаги фожиа...

БИР ТЎХТАМ «МАШАҚҚАТИ»

ёхуд умумтаълим мактабларидаги меҳнат муҳофазасига ким масъул?

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасида ходимлар сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади...

хавфсизлиги муҳандиси лавозимига ойлик маош тўланадиган мутахассис олишга ҳақлиқис.

Туман молия тизими мутасаддилари вилоятдаги бирорта мактабда бу лавозим жорий этилмаганини айтиб, 94 нафар киши меҳнат қилаётган бизнинг мусиқа ва санъат мактабимиз тарлаби қаноатлангандек билдиришди...

Айни пайтда Самарқанд вилоятида 50 нафардан ортиқ киши хизмат қилаётган

Оғриқ тишлар

мактаблар оз эмас. Уларнинг аксари молия тизимидан шу тахлитда жавоб олаётгани ҳам маълум.

Меҳнат муҳофазасини ташкил этиш меъёрларига амал қилиш кўнглидадек эмас. Айниқса, ёш авлод камолга етаётган даргоҳлардаги ҳолат қиёсатчи хавотир уйғотади...

Қисқаси, Пахтачида бўй кўрсатган муаммо барчага дахлдордек, назаримизда. Масалага ким ечим топади? Молия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликларидан бирор жўялироқ фикр чиқарилган умидворимиз.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»



Дори-ю дорихоналар кўпайди, аммо...

Йўналишли таксида ёнимдаги аёллар суҳбати қўлоғимга қалинди. Кизчам кечаси иситмалаб чиқди, деди уларнинг бири.

Мундоқ қардим – чироили кийинган ёш аёл. Ажабланарлиси, онанинг кечаси билан иситмалаган болани ташлаб, савдога кетаётгани. Ахир бундай пайтда бола, ҳаммадан кўра кўпроқ онасининг ёнида, бағрида, меҳр-парваришида бўлиши керак-ку!

Масаланинг яна бир оғриқли жиҳати – аёл фарзандининг нима сабабдан иситмалаётгани билмасдан, унга ўзбошимчилик билан дори бериши.

Агар дориларни кўп ёки зўридан ичиш билан касалликлар камайганда эди... Ёши улғулар ҳали унутмаган: ярим асрлар олдин ўзимиз яшайдиган шаҳар, қишлоқ ёки туман бўйича марказда битта, иккита дорихона бўларди.

Мутахассислар фикрича, одам организмидан бузилишда турли мамлакатлар лабораторияларида кашф этилиб, жониворлар устида тажрибадан ўтказилиб, кенг аҳоли эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилган ва чиқарилаётган кимёвий дори-дармонларнинг ҳиссаси беҳисобдир.

Дори-дармон ишлаб чиқариш ва сотишни даромад манбаига айлантириб олганлар, афсуски, уни хайрли мақсадларда ишлаб чиқараётганларга нисбатан анча кўпчиликини ташкил этади.

XXI аср муқаддимасида дунё дори саноати томонидан сотувага чиқарилаётган воситалар орасида 330 дан ортиги инсон саломатлигига исталмаган таъсир кўрсатаётгани аниқланган.

Инсон учун саломатликдан қимматлироқ ва заруруроқ бойлик йўқ деймиз-у, аммо уни асраш билан боғлиқ тиббий маданиятимиз ва саводхонлигимиз жудаям қониқарсиз аҳволда эканлиги ачинарлидир.

оғриқди», «Жиғилдоним қайнайди», «Еган овқатим яхши ҳазм бўлмади», «Кўнглим айнийди»... Бу каби шикоятлар ўзимиздаям бор.

«Нотўғри ичилган дори касаллик келтириб чиқаради ва инсон танаси фаолиятини бузади, деб ёзади шифокор Жан Ростам.

Шу ўринда бир ҳаётини воқеа келтирмоқчиман: Иноятон ойининг доим қилиб юрадиган қора бахмал камзули йўқолиб қолибди.

Бундан ташқари, касалликларнинг кўпайиши билан, асосан касалликка чалиниши, айрим дардларнинг ёшариб, камров доираси кенгайиб бораётгани дунёвий муаммога айланди.

Муатахассислар фикрича, одам организмидан бузилишда турли мамлакатлар лабораторияларида кашф этилиб, жониворлар устида тажрибадан ўтказилиб, кенг аҳоли эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилган ва чиқарилаётган кимёвий дори-дармонларнинг ҳиссаси беҳисобдир.

Кейинги йилларда касалликлар кўпайиб, ёшариб боришига экология, асаблар таранглиги, тановул қилаётган овқатларимизни сабабчи, деймиз.

Мен асло дориларнинг аҳамиятини камситиб, уларни қабул қилишдан қайтармоқчи эмасман. Зарурати аниқ бўлган ҳолатда давога сабаб бўлишини сўраб, илҳос-у шукрона билан улардан фойдаланишимиз керак, албатта.

Мўхтарама УЛУҒОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими



Қашқадарё вилояти

Руйиддин бува Юсупов ва Шафоат момо Эшонқулова Қарши тумани «Гулистон» МФЙ ҳудудидаги Пистакент қишлоғида яшайди. Отахон 73, онахон эса 70 ёшда.

Гап шундаки, уй тезюрар поезд йўли яқинида жойлашган... Қолганини Руйиддин бுவанинг ўзидан эшитинг:

УНУТИЛГАН ВАЪДАЛАР

ёхуд пистакентликларнинг умидлари сўнмасин

– 2018 йилда Қарши туманининг ўша пайтдаги ҳокими, Ғайрат Беғалиев уйимизга келиб, «Отахон, уйингизнинг шифери йўқ экан. Биласиз, бу йил Шаҳрисабзда халқро мақом фестивали ўтади.

«Биз қаерда яшаймиз» деб сўраганим, «Буёғи ёз. Дарахларнинг соясида ёки супа-сўрида яшаб турсангиз бўлади.

Хотинимнинг астмаси бор. Нафаси қисиб қолади. Иккинчи гуруҳ ногирони. Бундан ташқари, қандли диабет билан ҳам оғриган.

Шу боис, кампирим ҳоким буванинг «соя-салқинда яшаб турасиз», деган гапига унамади. Уйсиз, иссиқда нафаси қисиб, қийналишини айтди.

Ҳоким давлатнинг одами бўлса, унга қаршилиқ қила олармидиқ? 2018 йил август ойида маҳалла фаоллари, участка ноэри гувоҳлигида уйимиз, оғил ва сомонхонамизни суриб ташлашди.

Аммо Мустақиллик байрами тугул, Янги йил байрамагача ҳам бизга ҳеч қандай қурилиш ашёлари берилмади.

Кампирим дод-вой қилиб, кичиккина айвонча хўжрани буздирмай, сақлаб қолганди. Икки йилдан ошдики, авария ҳолга келиб қолган шу хўжрада яшаб келямиз.

– Уйни бузишгунча, сизга бошқача ваъда-



Ечим қутаётган муаммо

Энди бор умидлари шу хатга жавобдан. Мамлакатимизда ҳар йили минглаб муҳтожларнинг уйлари таъмирланиб, баъзи кам таъминланган оилалар учун уйлар қуриб берилмоқда.

Пистакент қишлоғида бўлганимизда қишлоқ аҳли ўзларининг чорак асрдан зиёдроқ бўлган яна бир муаммосини айтишди.

Ҳоким бувани иш жойидан топиш ҳам осон эмас экан. Ниҳоят, ўтган йилнинг бошида кечки пайт ҳокимга учрашишга муваффақ бўлдик.

Қариганда элга масҳара бўлдиқ. Ким кўрса, «Нижонда одамларга янги уй топшириляпти экан. Сизга ҳам шу ёқдан уй беришаптийми?»

Мазълумотларга кўра, мазкур қишлоқда 10 минг нафар аҳоли яшайди. Уларнинг 1200 нафари мактаб ўқувчиси.

Бугун мутасаддилар аҳоли билан мулоқот қилапти, уларнинг муаммоларини тинглаяпти. Бу ҳақ гап. Аммо ваъда – вафоси билан тўзала. Агар шундай бўлмаса, ишонч йўқолади.

Акмаль АБДИЕВ, «ISHONCH»

